



MINISTRY OF HEALTH OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



MINISTRY OF HIGHER AND  
SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



ANDIJAN STATE  
MEDICAL INSTITUTE



UNIVERSITY ROSTOCK

[www.adti.uz](http://www.adti.uz)

March 24, 2023.

**International scientific and practical  
conference on International scientific and  
practical conference in cooperation with  
University Rostock on**

**"Innovative approach to the  
treatment of urological  
diseases"**

**MATERIALS**



Andijan

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

## СИЙДИК НАЙИ ТОШЛАРИ ЭКСТРАКОРПОРАЛ ЛИТОТРИПСИЯСИ САМАРАДОРЛИГИ ПРЕДИКТОРЛАРИ

Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.  
Тошкент Тиббиёт Академияси

**Мавзунинг долзарблиги.** Экстракорпорал литотрипсия (ЭЛТ) сийдик найлари тошлари давоси учун кенг қўлланиладиган ноинвазив операция усулидир. Бу операция усулида катта энергияга эга бўлган зарба тўлқинлари таъсирида сийдик тошлари майда фрагментларга бўлинади ва бу фрагментлар сийдик йўллари орқали пешоб билан чиқиб кетади. ЭЛТ нинг афзалликларидан бири ноинвазивлигидир. Бироқ ЭЛТ нинг самардорлиги ҳамма вақт ҳам 100% бўлавермайди, чунки унинг самардорлиги бир қанча омилларга боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

**Тадқиқот мақсади.** Сийдик найлари тошлари ЭЛТ сида самардорликка таъсир қилувчи бемор ва тошга боғлиқ омилларни ўрганиш.

**Тадқиқот материал ва усуллари.** РИ Урология ИАТМ да 2022 йилнинг январь ойидан декабрь ойигача сийдик найи ягона тоши бўйича ЭЛТ бажарилган 234 та бемор тадқиқот учун танлаб олинди. Беморларнинг ўртача ёши  $34 \pm 12,4$  бўлиб, уларнинг 182 таси эркак, 52 та аёл жинсига мансуб. Сийдик найи тошлари ўлчами 5 мм дан 15мм гача бўлиб, уларнинг 126 таси сийдик найи юқори учдан бирида, 108 таси пастки учдан бирида жойлашган. Бемор боғлиқ факторлар (ёши, жинси, тана вазни индекси) ва сийдик найи тошига боғлиқ факторлар (локацияси, ўлчами, Hounsfield зичлиги бирлиги - HU) билан бир қаторда тошнинг сийдик найида бўлиб туриши муддати ҳам ўрганилди. Статистик ҳисоблар учун SPSS дастуридан фойдаланилди (унивариант ва мултивариант анализ).

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сийдик тошларидан бутунлай кутулиш кўрсаткичи (stone-free rate) сийдик найи юқори учдан бири тошлари учун 69,2% ни ташкил қилган бўлса, сийдик найи пастки тошлари учун бу кўрсаткич 72,1% ни ташкил қилди, яъни бу ерда статистик аҳамиятли фарқ топилмади ( $p=0,8$ ). Тана вазни индекси ўртача 26.1 гача бўлган ҳолатларда ЭЛТ муваффақиятли бўлиши эҳтимоли юқори бўлиши, 28 дан ортик бўлганда тошнинг фрагментацияланиш эҳтимоли кам эканлиги аниқланди ( $p=0.001$ ). Сийдик тоши зичлиги ўртача 700 HU гача бўлиши ЭЛТ муваффақиятли бўлиши эҳтимоли юқори бўлиши, 950 HU дан ортик бўлганда тошнинг фрагментацияланиш эҳтимоли кам эканлиги аниқланди ( $p<0.0001$ ). Тошнинг сийдик найида бўлиб туриши муддати 4 ҳафтагача бўлган муддатда ЭЛТ муваффақиятли бўлиши эҳтимоли юқори бўлиши, 8 ҳафтадан ортик бўлган муддатда тошнинг stone-free rate кўрсаткичи паст эканлиги аниқланди ( $p=0.01$ ).

**Хулоса.** Тана вазни индекси, сийдик тоши зичлиги ва уни сийдик найида туриб қолиши муддати ЭЛТ нинг самардорлигига таъсир қилувчи муҳим предикторлардан ҳисобланади. Бу маълумотлар асосида, ҳар бир беморга индивидуал ёндошган ҳолда шифокорларнинг сийдик найи тошларида ЭЛТ ни танлашга қарор қилишида кўмак беради.

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

СИЙДИК ПУФАГИ ЛЕЙКОПЛАКИЯСИДА ЦИТОКЕРАТИННИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ АНИҚЛАШ  Мамаризаев А.А., Солиев М.Б., Ортикматов Э.А.,	128
ХОМИЛАДОРЛАРДА СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ  Садикова Д.И., Абдулазизов С.А.	129
СУРУНКАЛИ ПИЕЛОНЕФРИТНИ КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА КЕЧИШИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ  Садикова Д.И., Курбанова Д.И., Усманова Ф.Т.	130
ХОМИЛАДОРЛИКДАГИ МУАММО  Садикова Д.И., Юсуфалиева Г.М., Усмонова Ф.Т.	131
СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИ ВА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ  Шерқўзиева Г.Ф., Саломова Ф.И.	132
ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ АҲАМИЯТИ  Хасанов Д.Ш., Мамадалиев М.М., Ибрагимов О.С.	133
ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПАЗИЯСИ ТРАНСУРЕТРАЛ РЕЗЕКЦИЯСИДАН КЕЙИН ҲАМ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИГАН ИРРИТАТИВ СИМПТОМЛАР ПРЕДИКТОРЛАРИ  Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.	134
СИЙДИК НАЙИ ТОШЛАРИ ЭКСТРАКОРПОРАЛ ЛИТОТРИПСИЯСИ САМАРАДОРЛИГИ ПРЕДИКТОРЛАРИ  Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.	135
ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПАЗИЯСИ ОПЕРАТИВ ДАВОСИДАН КЕЙИН БЕМОР МУСТАҚИЛ ПЕШОБ ҚИЛА ОЛИШИ ПРОГНОЗИ  Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.	136
УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОГНОСТИК ХАРИТАСИНИ КУЛЛАШ  Шадманов М.А.	137
УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ОИЛАВИЙ ШИФОКОРДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  Шадманов М.А.	138